

DS-10/DS-10a

NISSEI
JAPAN

Digital blood pressure monitor DS-10, DS-10a
Instructoin manual

ENG

Прибор для измерения артериального давления
и частоты пульса цифровой, исполнения DS-10, DS-10a
Руководство по эксплуатации

RUS


Күретамырдың қан қысымы мен тамырдың соғу жиілігін
өлшеуге арналған сандық DS-10, DS-10a аспабы
Пайдалану жөніндегі басшылық құжат

KAZ

Артериал босим ва пульс частотасини ўлчаш асбоби,
рақамли DS-10, DS-10a ижроси
Фойдаланиш бўйича қўлланма

UZB






1. Электрон блок
2. Манжета (қадама енг)
3. Сумочка
4. Озуқлантириш унсурлари
5. Электр билан таъминлаш манбаси (фақат DS-10a модели учун)

- a. ЖК-дисплей
- b. «/» тугмачаси (старт/стоп)
- c. Электр билан таъминлаш манбаси уяси
- d. Ҳаво шланги уяси
- e. Озуқлантириш унсурлари учун бўлма
- f. Темир халқа
- g. Ҳаво шланги
- h. Ҳаво шланги штекери

ИНДИКАЦИЯ



1. Пульс частотаси белгиси
2. Хотира белгиси
3. Батареяни алмаштиргич кўрсатгичи
4. Тана ҳаракатланиши белгиси
5. Аритмик пульс кўрсатгичи
6. Ҳавони қиздириш белгиси
7. Ҳаво чиқариш белгиси
8. Систолик босим
9. Диастолик босим
10. Пульс частотаси



ВАЗИФАСИ ҲАМДА УМУМИЙ БАЁН

Мазкур қўлланма DS-10 (DS-10a) (бундан кейин матнда: ЖИҲОЗ) артериал босим ва рақамли пульс частотасидан хавфсиз ва самарали фойдаланувчига ёрдам бериш учун мўлжалланган. Жиҳоздан мазкур қўлланмада баён этилган қоидаларга мувофиқ фойдаланиш керак ва бу ерда ёзилганлардан бошқа мақсадлар учун қўлланмаслиги лозим. Қўлланмани тўлиқ ўқиб чиқиш ва тушуниш муҳим, айниқса, "Тўғри ўлчаш бўйича тавсиялар"ни.

Вазифаси

Жиҳоз артериал систолик босим ва диастолик босимни ўлчаш, пульс частотаси ва 12 ёш ҳамда ундан катта бўлган мижозларнинг пульс босимларини ҳисоблаб чиқиш учун мўлжалланган. Ушбу жиҳоздан янги туғилган чақалоқларда фойдаланиш мумкин эмас. Агар жиҳоз боланинг кўлида қўлланса, ўлчов натижаси нотўғри бўлиш эҳтимоли мавжуд. Боланинг артериал босимини ўлчаш борасида шифокорингиз билан маслаҳатлашинг.

Иш тамойили

Жиҳоз ўлчовнинг осциллометрик услубини қўллайди. Қадама енг (манжета) электрон блокка уланади, елка атрофида айлантиради « / » тугмачаси босилишида жиҳоз автоматик равишда дам беришни бошлайди ва бу пайтда артериал босимни ўлчаш амалга оширилади. Жиҳознинг сезгир унсури манжетдаги босимнинг юракнинг ҳар битта зарбига жавобан елка артериясининг кенгайиши ва қисқариши билан рўй берувчи заиф тебранишини ушлайди. Босимнинг тўлқинлари ритми ва амплитудаси ўлчанади ва ЖК-дисплейга симоб устунининг миллиметрларидаги рақамли белги кўринишида чиқиб келади.

NISSEI нинг янги технологиялари



Дам бериш пайтида ўлчаш (Measurement on inflation) – манжетага дам бериш пайтидаёқ босимни ўлчаш имконини берувчи технология ҳисобланади.



Аритмия индикацияси – жиҳоз дисплейидаги махсус нишон номунтазам пульс мавжуд эканлиги ҳақида хабар беради, айни ҳолатда ўлчов натижаси тўғри бўлади.



Тўсиқни аниқлаш – индикатор ўлчов натижаларига таъсир этувчи тўсиқ борлиги ҳақида хабар беради.

БУТЛИК

DS-10 (DS-10a) жиҳозини етказиб бериш таркибий қисмига қиради:

- электрон блок – 1 дона.
- манжета Cuff DS-10 (ҳаво шланги ва ҳаво шлангини ҳам қўшиб) – 1 дона.
- қувватланиш унсурлари – 4 дона.
- электр қувватланиш манбаси ADP-W5 (фақат DS-10a модели учун) – 1 дона.
- сумка – 1 дона.
- фойдаланиш бўйича қўлланма– 1 дона.
- кафолат талони – 1 дона.
- қадоқ – 1 дона.

ТЎҒРИ ЎЛЧАШ БЎЙИЧА ТАВСИАЛАР


1. Гемодиализ ёки антикоагулянтлар, антиромбоцитлар ёки стероидлар билан даволашда артериал босимни ўлчаш борасида шифокорингиз билан аввалдан маслаҳатлашиб олинг.

2. Ишлаб турган мобил телефонлари, СВЧ-печлар ва электр магнит нурланиши пайдо қилувчи қурилмалар яқинида жиҳозлардан фойдаланилса, ишда носозликлар кўза ташланиши мумкин.

3 Тўғри ўлчаш учун АРТЕРИАЛ БОСИМ ҲАТТО ҚИСҚА ВАҚТ ОРАЛАҒИДА ҲАМ КЕСКИН ТЕБРАНИШЛАРГА ДУЧ КЕЛИШИ МУМКИНлигини билиш лозим. Артериал босим даражаси кўплаб омиллارга боғлиқ. У, одатда, ёзда паст ва қишда баланд. Артериал босим атмосфера босими билан бирга ўзгаради, жимийи юкламалар, эмоционал эҳтирос, стресслар ва овқатланиш режимида боғлиқ. Қабул қилинаётган дори воситалари, алкагол ичимликлари ва чекиш катта таъсир кўрсатади. Кўпчиликда ҳатто поликлинканинг ўзида босимни ўлчаш жараёни босимнинг юқори кўрсаткичини ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам уй шароитида ўлчанган артериал босим поликлиникада ўлчанган босимдан кескин фарқ қилади. Артериал босим паст ҳароратда кўтарилгани боис, ўлчашни хона ҳароратида ўтказинг (тахминан 20 °С). Агар жиҳоз паст ҳароратда сақланган бўлса, фойдаланишдан аввал уни хона ҳароратида кам деганда икки соат ушлаб турунг, акс ҳолда ўлчаш натижаси хато бўлиб қолиши мумкин. Бир кеча-кундуз ичида кўрсаткичлар оралиғидаги фарқ соғлом одамлардаги босим систолик (юқори) симоб устунининг 30-50 мм ни ташкил этиши ва диастолик (қуйи) симоб устунининг 10 мм гача бўлишини ташкил этиши мумкин.

Артериал босимнинг турли омилларга боғлиқлиги ҳар бир одамда индивидуал шаклда. Шунинг учун ҳам артериал босимнинг кўрсаткичлари бўйича махсус кундалик тутиш тавсия этилади. **ФАҚАТ ШИФОКОРГИНА КУНДАЛИКДАГИ КЎРСАТКИЧЛАР АСОСИДА СИЗНИНГ АРТЕРИАЛ БОСИМИНГИЗ ЎЗГАРИШИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛА ОЛАДИ.**

4 Артериал босим мониторинг қилиниши керак бўлган юрак-қон томири касалликлари и бошқа қатор хасталикларда ўлчашни даволловчи шифокорингиз томонидан кўрсатилган соатларда амалга оширинг. ЁДИНГИЗДА ТУТИНГ, ТАШХИС ҚЎЙИШ ВА ГИПЕРТОНИЯНИ ҲАР ҚАНДАЙ ДАВОЛАШ ФАҚАТ ШИФОКОР ТОМОНИДАН МУСТАҚИЛ РАВИШДА ОЛИНГАН АРТЕРИАЛ БОСИМ КЎРСАТГИЧЛАРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУМКИН. ДОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ДОРИЛАР МЕЪБЕРИНИ ЎЗГАРТИРИШНИ ДАВОЛОВЧИ ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИ БЎЙИЧАГИНА АМАЛГА ОШИРИШ ЗАРУР.



1-расм.

5 Томирларнинг чуқур склерози, заиф пульсли тўлқин, шунингдек, юрак қисқариши ритми бузилиши ифодаланувчи мижозларда артериал босимни тўғри ўлчаш қийин кечиши мумкин. МАЗКУР ҲОЛАТЛАРДА ЭЛЕКТРОН ЖИҲОЗНИ ҚЎЛЛАШ БОРАСИДА ШИФОКОРДАН МАСЛАҲАТ ОЛИШ ЗАРУР.

6 ЭЛЕКТРОН ЖИҲОЗДАН ФОЙДАЛАНИШДА АРТЕРИАЛ БОСИМИНГИЗНИНГ ТЎҒРИ КЎРСАТГИЧЛАРИНИ ОЛИШ УЧУН ЎЛЧАШ ПАЙТИДА ТИНЧЛИК САҚЛАШ ЛОЗИМ. Артериал босимни ўлчаш сокин, қулай муҳитда, хона ҳароратида ўтказилиши керак. Ўлчашга бир соат қолганда оқат емаслик, 1,2-2 соат қолганда чекмаслик, тетиклантирувчи ва алкогол ичимликларини қабул қилмаслик керак.

7. Артериал босимни ўлчаш аниқлиги жиҳоз манжетасининг қўлингизга мослигига боғлиқ. МАНЖЕТА КИЧИК ЁКИ, АКСИНЧА, КАТТА БЎЛМАСЛИГИ ЛОЗИМ.

8. Қон айланишини тиклаш учун тақрорий ўлчаш 5 дақиқа оралиғи билан ўтказилади. Бироқ, ифодаланган атеросклероз билан оғриган шахсларга томирларнинг ортқ даражада эгилувчанлиги йўқотилиши оқибатида ўлчовлар оралиғида кўпроқ вақт талаб қилинади (10-15 дақиқа).

Бу нарса кўпдан буён қанда касаллиги билан оғриётган мижозларга ҳам таалукли. Артериал босимни янада аниқроқ билиш учун 3-кетма-кетликдан иборат серияни амалга ошириш ва ўлчовларнинг ўртача қиймати ҳисоб-китобини олиш лозим.

9 Қурилмани портлаш хавфи мавжуд бўлган муҳитларда, масалан, анестезия препаратлари ёнида ёки кислород камералари ичида ишлатманг.

10 Қўлланма талабларига жавоб бермайдиган ҳароратларда ёки намлик шароитларида фойдаланиш ёки сақлашда тизим нотўғри натижалар бериши мумкин.

11 Бошқа ишлаб чиқарувчининг манжетидан ёки асбобларидан фойдаланманг, акс ҳолда нотўғри натижалар бериши мумкин.

12 Манжетни жараҳатланган, катетер уланган ёки артериовеноз шунтли қўлга, шунингдек, сут бези

ампутация қилинган томондаги қўлга кийманг. Бу жараҳатланишга олиб келиши мумкин.

13 Манжет қоннинг ҳаракатланишини узоқ вақт блоклаган ҳолда, қон айланишига таъсир қилмаётганлигига ишонч ҳосил қилинг. Бошқа тиббий қурилмалар функцияларининг вақтинчалик йўқотилишига йўл қўйманг, агар ушбу қурилмалар ҳам шу аъзога қўлланилаётган бўлса.

14 Манжетларни тақишда ҲАВО ШЛАНГИ буралиб қолмаганлигига ишонч ҳосил қилинг. Буралиб қолган шланг ҳаво ўтишига тўсқинлик қилиши ва қон айланишининг ёмонлашуви туфайли жараҳатланишга сабаб бўлиши мумкин.


15 Асбоб ишлаб турганида батареяларни чиқариб олманг ёки таъминот манбаидан ажратиб қўйманг. Батареяларни чиқариб олиш ёки таъминот манбаидан ажратиб қўйишдан олдин асбобни ўчиринг.

16 Ўлчаш пайтида таъминот адаптерининг штекерига тегинманг.

17 Манжет қўлга кийдирилмаган бўлса, уни тортманг.

18 Венасида инфузия қилинаётган қўлга манжетни тақманг.

ОВҚАТЛАНИШ УНСУРЛАРИНИ ЎРНАТИШ



2-расм.

1. Қувватлаш унсурлари бўлмаси қопқоғини жиҳознинг пастки тарафидан очинг (2.1 расм).

2. “АА” туридаги тўртта қувватлаш унсурини бўлмага жойланг.

Қутбийлик бўлма ичидаги келтирилган белгиларга (+) ва (-) мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилинг (2.2 расм).

Қувватлаш унсурлари “-” нинг учи билан пружинага босишда енгил ўрнашади.

3. Қувватлаш унсурлари бўлмаси қопқоғини беркитинг (2.3 расм).



Қувватлаш унсурларини алмаштириш индикатори



Ўлчаш пайтида дисплейда қувватлаш унсурларини алмаштириш индикатори пирпираса, барча қувватлаш унсурларини алмаштиринг. Жиҳоз қўшилганида индикатор доим ёниб турса, барча қувватлаш унсурлари алмаштирилмагунга қадар ўлчашнинг имкони бўлмайди. Қувватлаш унсурларини алмаштириш индикатори қувватсизлантириш даражасини кўрсатмайди.



Жиҳознинг ишлаш давомийлигини қўлайитириш учун ишқорий унсурлардан фойдаланинг. Одатдаги ишқорий-рух унсурлар тез-тез алмаштириб туришни талаб қилади. Илова қилинадиган унсурлар сотиш пайти жиҳозни текшириб кўриши учун талаб қилинади ва уларнинг ишлаш муддати савдо тармоғида олинганидан кўра камроқ бўлиши мумкин.

Қопқоқни ечиб олишда жуда кўп куч ишлатманг

Электр қувватланишли жиҳоздан фойдаланиш

Электр қувватланиш манбаси уяси жиҳознинг ўнг тарафи-да жойлашган.

Электр қувватланиш манбали жиҳоздан фойдаланиш учун электр қувватланиш штекерини жиҳозга уланг, электр қувватланишли манба вилкасини эса тармоқ розеткаси ичига жойланг «/» тугмачасини босинг.

Ўлчаш тугаллагандан сўнг «/», тугмачасига босиб жиҳозни ўчириб қўйинг, электр қувватланиш вилкасини эса тармоқ розеткасидан чиқариб олинг ва электр қувватланиш манбаси штекерини жиҳоздан ажратинг.




На жиҳоз, на қувватлаш унсурлари уй шароитида йўқ қилиниш мумкин бўлган чиқинди эмаслиги боис ўзингиздаги чиқиндиларга қайта ишлов бериш миллий/маҳаллаий қоидаларига амал қилинг ва уларни мувофиқ йиғиш нуқталарига топширинг.

ЎЛЧАШ ПАЙТИДАГИ ТЎҒРИ ҲОЛАТ

Ўтирган ҳолатни эгалланг: Оёқ қафтингизни ерга қўйинг, елкангиз билан стулга суянинг ва қон босимингизни ўлчаш учун қўлингизни стол устига қўйинг. Ўлчов елка соҳасида, тахминан юрак баландлигида амалга оширилади. (3-расм) Билак стол устида ҳаракатсиз жойлашган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, кўрсаткичларни ётган ҳолатда ҳам олиш мумкин. Ўлчаш пайтида бўйин ёки танангиз билан ҳаракатланмасдан шифтга қараб ётиш мумкин. Ўлчов елка соҳасида, тахминан юрак баландлигида амалга оширилади (5-расм).



3-расм.




4-расм.



5-расм.


Ўлчаш пайтидаги ҳолатга қараб улчанаётган кўрсаткичлар бироз фарқланиши мумкин. Агар манжета юрак сатҳида паст/юқори турган бўлса, олинган кўрсаткич нотўғри бўлиши мумкин (паст/юқори).

ТАЙЁРЛАШ МАНЖЕТАНИ




6-расм.

1 Стол ёнига шундай ўтирингки, артериал босимни ўлчаш пайтида қўлингиз унингюзасида бўлсин. Манжетанинг елкага ўрнатилган жойи тахминан юрак сатҳидагаи айнан ўша жойда бўлишига, қўл стол устида эркин ётганига ва қимирламаётганига ишонч ҳосил қилинг (6-расм). Сиз босимни орқа билан ётган ҳолатда ўлчашингиз мумкин. Телага қаранг, сокинликни сақланг ва ўлчаш пайтида қимирламанг. Елакадаги ўлчаш жойи тахминан юрак сатҳидагаи айнан ўша жойда бўлишига ишонч ҳосил қилинг.




7-расм.

2 Манжета қўл атрофида шундай айлантинрингки, манжетанинг пастки учи тирсак эгилишидан 2-3 см масофада турган бўлсин. Ҳаво шланги кафт томонга йўналтирилган бўлиши керак (7-расм).




8-расм.

3 Манжетани шундай ўтказингки, у қўлда жипс ётсин, бироқ уни ортиқча тортиб юбормасин (8-расм). Манжетани қўл бўйлаб ўраётганда иккита бармоқни манжета ва қўл орасида ушлаб туриш таавсия этилади. Манжетани ўта тор, ёки аксинча, ўта бўш боғлаш нотўғри кўрсаткичларга олиб келиши мумкин.



9-расм.

4 Агар ифодаланган конус кўринишида бўлса, манжетани расмда кўрсатилагни каби спирал бўйлаб боғлаш тавсия этилади (9-расм).





10-расм.

5 Агар либосингиз энгини симарсангиз ва айни ҳолатда қон айланишига тўсқинлик қилиб қўлингизни босиб қўйсангиз, жиҳоз кўрсаткичи артериал босимингизга мувофиқ келмаслиги мумкин (10-расм).

ЎЛЧАШ ТАРТИБИ


1. Манжетани қўшиш учун ҳаво шланги штекерини уяга киритинг (11-расм).

Ўлчаш олдида бир неча марта нафас олинг ва нафас чиқаринг ҳамда ўзингизни бўш қўйинг. Ўлчаш пайтида суҳбатлашманг ва қимирламанг.

2. «/

» тугмачасини босинг. Дисплейда қисқа муддатга барча рамзлар пайдо бўлади. Кейин, дисплейда аввалги ўлчашнинг натижаси акс этади, таққослаш рамзи пирпирайди ва жиҳоз ҳаво қолдиғини манжетадан чиқариб ташлайди (12-расм).

Агар ўлчов батареялар ўрнатилгандан сўнг ўтказилса, унда фақат «

» таққослаш рамзи пайдо бўлади.

11-расм.

3. Манжетада ҳавонинг тезкор қизиши бошланади. Аини ҳолатда «▲» рамзи пирпирайди ва дисплейга чиқарилган белги каттара бошлайди (13-расм).

4. «▲» рамзи ғойиб бўлади ва ўлчаш бошланади. Аини ҳолатда манжетанинг босими аста-секинлик билан ортиб боради.



Тўсиқни аниқлаш

Мазкур жиҳоз ўлчаш натижаларига кўра пайдо бўлувчи бегона товушлар ёки тўсиқлар борлигини аниқлайди. Шу каби тўсиқлар аниқланганида дисплейда «Ⓜ» рамзи чиқиб келади. Бу ҳолатда тўсиқни йўқ қилиб, ўлчовни такрорлаш тавсия этилади.

Ўлчовни мажбурий тўхтатиш учун «◇/▽», тугмачасини босинг, жиҳоз дам беришдан тўхтади, ҳавони тезда чиқариб юборади.

5. Ўлчаш жараёнида пульс частотаси белгиси пирпирай бошлайди. Ўлчаш тугаганидан сўнг жиҳоз ҳавони бирданига автоматик равишда манжетадан чиқариб юборади.


6. Қон босимини ўлчаш ва пульс частотаси маълумотлари дисплей экранига чиқарилади.

7. Жиҳозни ўчириш учун «◇/▽» тугмачасини босинг. Агар жиҳозни ўчиришни ёддан чиқарсангиз, унда унинг ўзи 3 дақиқадан сўнг буни автоматик равишда амалга оширади.

Бир неча ўлчашни қаторасига бажарманг. Бу нарса қўлнинг уюшиб қолишига олиб келади ва ўлчаш натижасига таъсир қилиши мумкин. Қўлингизга кам деганда 5 дақиқа дам беринг.

Аритмия индикацияси

Пирпираетган, дисплейда пайдо бўлган «Ⓜ» рамзи пульснинг бир маромдаги ритми ҳақида хабар беради (16-расм). Мазкур рамз мунтазам равишда пайдо бўлаверса, даволловчи шифокорингизга мурожаат қилинг. Шунингдек, аритмия индикаторининг пайдо бўлиши ҳам ўлчаш пайти тана ҳаракати тўфайли пайдо бўлган бўлиши мумкин.



12-расм.



13-расм.



14-расм.












15-расм.



16-расм.

ХАТОЛАР ҲАҚИДА ХАБАРЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

БЕЛГИ	ЭҶТИМОЛИЙ САБАБ	БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ
Артериал босим ўта паст ёки ўта юқори	Манжета юрак сатҳида жойлашган. Манжета нотўғри ўтказилган. Ўлчаш пайтида суҳбатлашганлар ёки қимирлаганлар.	Манжетани юрак сатҳида жойланг. Қўлдаги манжетанинг жойлашувини текширинг. Ўлчаш пайтида тинчлик ва сокинликни сақланг.
Ўлчашлар натижалари ҳар сафар турлича.	Ўлчаш шартлари ёки Сизнинг жисмоний ёки руҳий ҳолатингиз таъсир кўрсата.	Бир хил шароитда ўлчовни амалга оширинг.
Поликлиникадаги ва уйдаги ўлчаш натижалари фарқланади.	Уйдаги бўшашиш ҳолати клиникадаги босим таъсир кўрсатади.	Маслаҳат учун уйда қилинган босим ёзувини шифокорингизга кўрсатинг.
	Энг мумкин бўлган босим: гарчи манжета максимал даражада қизиган бўлса-да, босим қимирлаш ёки ўлчаш вақтида суҳбат туфайли ўлчанмаслиги мумкин.	Ўлчаш пайтида суҳбатлашманг ва қимирламанг.
	Босим қимирлаш ёки ўлчаш вақтида суҳбат туфайли ўлчанмаслиги мумкин.	Ўлчаш пайтида суҳбатлашманг ва қимирламанг.
	Манжетаа жиҳозга ишончли уланмаган. Манжета нотўғри ўтказилган.	Уланганликни текширинг. Манжета тўғри тақилганига ишонч ҳосил қилинг.
	Қувватлаш унсурлари кучсизланган.	Барча қувватлаш унсурларини янгиларига алмаштиринг.
Дисплей бўш.	Қувватлаш унсурлари кучсизланган. Қувватлаш унсурлари нотўғри ўрнатилган. Электр қувватининг контакт қисқичлари қирланган. Электр қуввати манбаси уланмаган.	Барча қувватлаш унсурларини янгиларига алмаштиринг. Қувватлаш унсурларини тўғри ўрнатинг. Қисқични қуруқ латта билан артинг. Электр қуввати манбасини уланг
	Қувватлаш унсурлари ўрнатилаётганда «  /  » тугмачага тегилган.	«  /  » тугмачаси билан жиҳозни ўчиринг, ўлчашни янгидан ўтказинг.

Агар, юқорида кўрсатилган тавсияларга қарамай тўғри ўлчаш натижаларига эриша олмасангиз, жиҳоздан фойдаланишни тўхтатиш ва техник хизмат кўрсатувчи ташкилотга мурожаат қилинг (ваколатли ташкилотларнинг манзил ва телефонлари кафолат талонидан кўрсатилган). Ўзингиз жиҳознинг ички механизмларини тузатишга уринманг.

КАФОЛАТ МАЖБУРИЯТЛАРИ






- 1 Тайёрловчи, истеъмолчи тарафидан фойдаланиш шартларига/ташилишига ва сақланишига амал қилинганида жиҳоз сотилиши санасидан бошлаб 5 йил фойдаланиш кафолати муддатида жиҳознинг техник характеристикаси мувофиқлигини кафолатлайди. Манжет ва электр қувватланишига кафолат муддати сотилган санадан бошлаб 12 ойни ташкил этади.
- 2 Кафолат шартлари жиҳозни харидорга сотиш вақтида кафолат талони билан расмийлаштирилади. Жиҳоз очилмаган ва харидор томонидан шикастлантирилмаган бўлсагина кафолат амалда бўлади.
- 3 Кафолат хизматини кўрсатувчи ташкилотлар манзили кафолат талонида кўрсатилган.

ТЕХНИК ТАСНИФЛАР

Ўлчаш усули	осциллометрик
Индикатор	9-белгили ЖК-дисплей
Манжетадаги босим индикацияси диапазони, симоб устуни	0 дан 300 гача
Манжетадаги босим индикацияси диапазони, симоб устуни	40 дан 250 гача
Манжетадаги босимни ўлчашда рухсат этилган энг юқори нуқсон, мм симоб устуни	±3
Пульс частотасини ўлчаш диапазони, 1/дақ	40 дан 180 гача
Пульс частотасини ўлчашда рухсат этилган энг юқори нуқсон, %	±5
Манжетаси	Cuff DS-10
DS-10/ DS-10a манжетасининг елка айланаси учун размери, см	22-32
Фойдаланиш шартлари: ҳаво ҳарорати, °C нисбий намлик, %	10 дан 40 гача 15 дан 85 гача
Сақлаш ва ташиш шартлари: ҳаво ҳарорати, °C нисбий намлик, %	-20 дан 60 гача 15 дан 85 гача
Қувватлантириш кучи, В	6
Қиздириш	Автоматик равишда (ҳаво помпаси, Measurement on inflation технологияси)
Чиқариш	Автоматик равишда (электр клапани)


Электр қуввати тури	AA (LR6) туридаги 4 унсур ёки электр қувватлантириш манбаси
ADP-W5 электр қувватлантириш манбаси (фақат DS-10a модели учун)	
В чиқиш кучи	6
Юкланишнинг максимал токи, А	0,5
Кириш қуввати, В/Гц	100-240 / 50/60
Габарит размерлари, мм дан кўп эмас	116,5×122,2×69,9
Вазн (батареясиз), г дан кўп эмас	220
Жиҳознинг хизмат қилиш муддати, йилдан кам эмас	7
Манжета ва қиздирувчининг хизмат қилиш муддати, йилдан кам эмас	3
Ишлаб чиқарилган йили:	Ишлаб чиқилган йили жиҳоз корпусида, жиҳознинг серияли рақамида “SN” рамзидан сўнг кўрсатилган
IP ҳимоя даражаси	IP20: 12,5 мм дан катта бўлган диаметрдаги қаттиқ ёт зарралардан ҳимояланган, сувдан ҳимояланмаган.
Электр токи уришидан ҳимоя	ички таъминот манбаи/II синф equipment, BF типидagi ишчи қисм
Ишлаш режими	узлуксиз
Тоифаси:	ички таъминот манбаи/ II синф

РАМЗЛАРНИ АНИҚЛАШ:


-  Мухим: йўриқномани ўқинг
-  Ўлчаш воситалари турларини тасдиқлаш белгиси
-  BF туридаги ускуна
-  Ишлаб чиқариш вақти
-  Экологик қадоқ

IP20 Класи IP

 Класи II

 Утилизация қилишда ҳудудингизда амал қилинаётган қоидаларга риоя қилинг

 CE 0123 93/42 / EEC директивасига амал қилиш

 Qozog'iston Respublikasi va Belarus Respublikasi uchun poverka kleymosi

Ушбу жиҳоз ЕН1060-1:1995+A2:2009 «Инвазив бўлмаган сфигмоманометрлар, 1-қисм: Умумий талаблар», ЕН1060-3:1997+A2:2009 «Инвазив бўлмаган сфигмоманометрлар, 3-қисм: қон босимини ўлчашнинг электромеханик тизимларига қўйиладиган қўшимча талаблар» стандартлари талабларига жавоб беради.

* Ўлчанган қийматларнинг аниқлиги кўрсатилган ўлчов диапазон чегараларида кафолатланади.

* Асбобнинг ўлчаш аниқлиги ИСО 81060-2 баённомасига мувофиқ тасдиқланган. Клиник текширувларда К5 дан бarcha аускултатив ўлчовлардаги диастолик босим қийматини аниқлаш учун фойдаланилган.

* Ушбу асбоб ягона/бир хил/ўхшаш атмосфера босимига эга муҳитларда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Техник характеристикалари унумдорликни ошириш мақсадида олдиндан огоҳлантирилмасдан ўзгартирилиши мумкин.

Фойдаланиш бўйича мазкур Қўлланманинг таҳлил санаси сўнги саҳифада ХХ-ХХХХ-ҲҲММ-NN кўринишида кўрсатиб ўтилган, ҲҲ – йил, ММ эса – таҳлил ойи.

ТЕКШИРИШ

Артериал босим ва пульс частотасини ўлчаш жиҳозини ашёли DS-10, DS-10a ижросида рақамли текшириш аккредитация қилинган метрологик хизмат томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Жиҳозни текшириш учун зарур:

- 1 Штекерни манжетадан чиқариб олинг ва уни узун учи тарафи билан жиҳозга киритинг (манжетани ушлаш уяси).
- 2 Қувватлаш унсурларини ушлаш ва « \diamond / \heartsuit », рамзи пайдо бўлишига қадар « \blacktriangledown » тугмачасини ушлаб турган ҳолда босиб туриш керак.
- 3 Жиҳоз дисплейида «00» рамзи пайдо бўлади. Жиҳознинг текширув режимида бўлиши 10 дақиқа билан чегараланган (жиҳоз автоматик равишда қўшилади). Текширувни давом эттириш учун жиҳозни такроран қўшиш зарур.

ПАРВАРИШЛАШ, САҚЛАШ, ТАЪМИРЛАШ ВА УТИЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

- 1 Ҳароратнинг кескин ўзгариши, намлик, зарба нагрукчалари, чанг ва тўғридан-тўғри қуёш нурлари таъсирига учрашига йўл қўйманг. Асбобни улоқтирманг ёки унга зарба берманг. Намликдан сақлаш чораларини кўринг. Асбобнинг сувга чидамсиз корпусга эга.
- 2 Жиҳоздан иситувчи ускуналар ва очик оловнинг бевоқифа яқинида фойдаланманг ва сақланманг.
- 3 Агар асбоб теварак-атрофнинг 40 °С дан юқори бўлган ёки 10 °С дан паст бўлган ҳароратига эга муҳитида сақланган бўлса, илтимос, асбобдан фойдаланишдан олдин камида 2 соат кутинг.
- 4 Агар жиҳоздан узоқ вақт мобайнида фойдаланилмаётган бўлса, қувватлантириш унсурларини олиб ташланг. Қувватлантириш унсурларининг оқиб кетиши жиҳознинг шикастланишига олиб келиши мумкин ва кафолат мажбуриятларини тўхтатади. ҚУВВАТЛАНТИРИШ УНСУРЛАРИНИ БОЛАР ҚЎЛИ ЕТМАЙДИГАН ЖОЙДА САҚЛАНГ!
- 5 Жиҳозни кир қилманг ва уни чангдан асранг. Жиҳозни тозалаш учун қуруқ юмшоқ матодан фойдаланинг.
- 6 Жиҳоз ва унинг қисмларини сув, эритувчи, спирт, бензинга тегишдан сақланг.
- 7 Манжетани ўткир жисмлардан асранг, шунингдек, манжетани чўзишга уринманг. Манжетани ҲАВО ШЛАНГИ ЭМАС, БАЛКИ АЖРАТУВЧИДАН ушлаб ажратинг. ҲАВО ШЛАНГИНИ қаттиқ бурашга рухсат этилмайди.
- 8 Жиҳозга кучли зарба берманг ва ташлаб юборманг.
- 9 Жиҳоз аниқ ўлчашни созлаш органларига эга эмас. Электрон блокни ўзбошимчалик билан очиш тақиқланади. Зарурат туғилганда махсус ташкилотлардагина таъмирлаш ишларини олиб боринг.
- 10 Ўрнатилган хизмат қилиш муддати тугагандан сўнг жиҳознинг техник ҳолатини текшириш учун мунтазам тарзда мутахассисларга мурожаат этиб туриш керак (махсус таъмирлаш ташкилотлари).
- 11 Утилизация қилишда айни пайтда ҳудудингизда амал қилинаётган қоидаларга риоя қилинг. Мазкур жиҳоз учун махсус утилизация қилиш шартлари ўрнатилмаган.
- 12 Абобни тоза сақланг. Асбобни фақат юмшоқ ва қуруқ мато билан артинг. Тозалаш учун бензин, бўёқ эриткич ёки бошқа кучли еритмалардан фойдаланманг. Манжета бир неча бор санитария ишлови беришга чидамли. Манжетанинг (мижознинг қўли билан контакта кирувчи) мато қолламали ички тарафига фақат пахтали, водороднинг 3% ли перекисли эритмаси билан намланган тампон би-

лан ишлов беришга рухсат этилади. Узоқ вақт фойдаланилганда манжетанинг матоли қопламаси қисман рангсизланишига рухсат этилади. Манжетани ювиш, шунингдек, қизиган дазмол билан ишлов беришга рухсат этилмайди.

- 13 Жиҳозни тармоққа қўшилган ҳолда назоратсиз қолдирманг.
- 14 Қурилмада кўзга кўринарли шикастланишлар кузатиладиган ҳолларда, асбобдан фойдаланишни дарҳол тўхтатинг ва дилерга ёки ишлаб чиқарувчига мурожаат қилинг.
- 15 Бўғилиб қолиш аҳтимолидан йироқ бўлиш мақсадида асбобни болаларга берманг ва ҲАВО ШЛАН-ГИНИ бўйин атрофига ўраманг.
- 16 Дисплейни босманг; асбобни дисплейни пастга қаратган ҳолда қўйманг.
- 17 Асбобнинг майда деталлари мавжуд. Болалар ёки уй ҳайвонлари майда деталларни осонгина ютиб юборишлари мумкинлиги туфайли, асбобни асло болалар ёки уй ҳайвонларининг ёнида қаровсиз қолдирманг.
- 18 Ушбу асбоб махсус тайёргарликдан ўтмаган шахслар томонидан жамоат жойларида мустақил фойдаланиш учун мўлжалланмаган.
- 19 Асбоб билан боғлиқ бўлган ҳар қандай тушунмовчиликлар юзасидан ишлаб чиқарувчига ва мамлакатингиздаги/худудингиздаги ваколатли органга маълум қилиш лозим. Агар сизда ушбу органларнинг алоқа маълумотлари бўлмаса, илтимос, ишлаб чиқарувчи билан ёки ушбу йўриқномада алоқа маълумоти кўрсатилган ваколатга эга шахс билан боғланинг.

СЕРТИФИКАТЛАШ

Жиҳозларни ишлаб чиқариш ISO 9001, ISO 13485, ISO 14001 стандартларига кўра сертификатланган. Жиҳоз IEC 60601-1:2005+A1:2012 and IEC 60601-1-2:2014. халқаро талабларига жавоб беради. ADP-W5 электр озуклантириш манбаси IEC60601-1 by JQA, ГОСТ Р 50267.0-92 (МЭК 601-1-88), ГОСТ Р 50267.0.2-2005, ГОСТ Р 50444-92, ГОСТ Р 51318.14.1-99 Росстандарт талабларига мувофиқ. Электр қувватлантириш манбаси халқаро стандартга жавоб беради, электр токи билан уришдан ҳимоя даражаси: II - класс.

✉ Истеъмолчилар шикоят ва истаклари расмий импортчининг манзилига юборилиши лозим:
Ўзбекистон: 100157 Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, квартал 24, Ширич кўчаси, уй 42А

«AKBARS PHARM» ООО. Тел. справочной службы: (+99895) 194-87-12

Ишлаб чиқарувчи: Nihon Seimitsu Sokki Co., Ltd., 2508-13 Nakago Shibukawa Gunma 377-0293 Japan (Нихон Сеймитсу Сокки Ко., Лтд., 2508-13 Накаго Шибукэва Гунма 377-0293 Япония).

Ишлаб чиқариш жойи: Nissei Precision Instruments (Suzhou) Co., Ltd., Room 501-502 Zhonghuan Building, Suzhou National Environmental, New & Hi-tech Industrial Park, No. 369, Lushan Road, 215129 Suzhou New District, Jiangsu Province, People's Republic of China (Ниссей Пресижн Инструментс (Сучжоу) Ко., Лтд., Рум 501-502 Джонхуан Билдинг, Сучжоу Нейшенал Энвайронментал, Нью & Хай-тех Индастриал Парк, № 369, Люшань Род, 215129 Сучжоу Нью Дистрикт, Джансу Провинс, Хитой Халқ Республикаси).

Экспорт килувчи: Little Doctor International (S) Pte. Ltd., 7500A, Beach Road, 11-313 The Plaza 199591, Singapore. Почта манзили: Yishun Central P.O. Box 9293 Singapore 917699.

Истеъмолчи учун муҳим маълумот: <http://nissei.ru/info/>



NIHON SEIMITSU SOKKI CO., LTD.

2508-13 Nakago Shibukawa Gunma 377-0293 Japan

web site: <https://www.nissei-kk.co.jp/english/>



MDSS GmbH

Schiffgraben 41, 30175 Hannover, Germany

CE 0123



IP20

© Зарегистрированный товарный знак.

© Copyright 2023.

IC-0010X-2307-25